

---

## 12/11/2024 #РЕЖА\_БАЖАРИЛДИ ([https://t.me/bagdodim\\_news](https://t.me/bagdodim_news))

Бугун туманимиздаги миришкор деҳқонлар ваъдаларининг устидан чиқишди — туманимиз 16612 тонна (100,1 фоиз) пахта хомашёси топшириш режасини бажарди.

Шу муносабат билан, туманимизда жорий йилда пахта ҳосили етиштиришда барчага ўрнатилган фидойи ва заҳматкаш фермерларга яна бир бор ўзимнинг, шу билан бирга, сектор раҳбарларининг, туман ҳокимлигининг ва туманимиз фаолларининг чуқур миннатдорчилигини билдирмоқчиман.

Аввало мўл ҳосил етиштириб, режани бажаришда энг юқори натижага эришган фермер хўжаликлари:

“Икромжон Назиров”, “Бағдод Боғишамол”, “Яшил водий пахтазори”, “Қоракўл пахтазори”, “Саидмурод ерлари”, “Нурмуҳаммад боғи”, “Асл Диёр чамани”, “Етмишбой хожи ота”, “Турғунали ўғли Муроджон”, “Боғи эрам Бағдод”, “Замин зиё”, “Умирзоқ”, “Хосиятхон қизи Хадичахон”, “Ғайрат Шерали Бағдод”, “Шерғозий 2005”, “Ширинжон Бағдод”, “Навбахор Мўйдинжон чўли”, “Учқунбек Асқаралиев”, “Темиров Зайнулло”, “Қосимобод гулшани”, “Обод Дўрманча замани”, “Шабнам ғаллакор ери”, “Муҳаммаддиёр ғалласи”, “Шерали Муҳаммадшариф”, “Бағдод зиёси”, “Эргаш ота сиймоси”, “Буойшахон Қундузова”, “Пойқадам Бағдод”, “Дилхушбек пахтазори”, “Маҳмуд ота ери”, “Мажнунтол ифори”, “Набижон ота пахтазори”

фермер хўжаликларига алоҳида раҳмат айтмоқчиман.

Сизлар бизнинг фахримиз. Туманимизда Сиз каби фидойи фермер хўжаликлари фаолият юритишидан доимо мамнунмиз.

Шунингдек, туманда пахта топшириш шартномавий режасини бажарган ҳар бир фермер хўжаликлари раҳбарлари ва ходимларига ҳам миннатдорчилигимни билдирмоқчиман.

Хирмоннинг юксалишида ҳисса қўшган туман Сектор раҳбарларига, вилоят ИИБ раҳбариятига ва "FERGHANA-SPINNING" MChJ пахта-тўқимачилик кластерига алоҳида миннатдорчилик билдириб теримчилар, сувчилар, механизаторлар ва бошқа барча фидойиларга ҳам катта раҳмат айтаман.

Ғанижон СОЛИЕВ,  
Бағдод туман ([https://t.me/bagdodim\\_news](https://t.me/bagdodim_news)) ҳоқими.  
2024-11-12 13:12:13